

Озарбайжон Республикаси
Маданият Вазирлиги

НИГОР ҲАСАНЗОДА

КУМУШ

Боку – 2021

УДК 821.51
ББК 84 Ки 7
Т

Т **Нигор Ҳасанзода.**
Кумуш. – Б., Улуу Тоолор, 2021. – 116 с.
ISBN 978-9967-

УДК 821.51
ББК 84 Ки 7

ISBN 978-9967-

© Фонд поддержки политики
тюркоязычных государств, 2021



ТҮРК ТИЛДҮҮ МАМЛЕКЕТТЕРДИН САЯСАТТЫН КОЛДОО ФОНДУ, БИШКЕК



TÜRKİLLİ DÖVLƏTLƏRİN SIYASƏTİNƏ DƏSTƏK FONDU, BİŞKƏK



ФОНД ПОДДЕРЖКИ ПОЛИТИКИ ТҮРОКЯЗЫЧНЫХ ГОСУДАРСТВ, БИШКЕК

Бул китеп Түрк тилдүү мамлекеттердин саясатын колдоо
Фондунун заказы менен которулуп басылды.
Китеп бекер таркатылат

Bu kitab Türkdilli dövlətlərin siyasətinə dəstək fondunun
sifarişi ilə tərcümə olunub nəşr edilmişdir
Kitab pulsuz yayılır

Эта книга переведена и издана по заказу фонда поддержки
политики тюркоязычных государств.
Книга распространяется бесплатно



НАШР ҚИЛИНГАН КИТОБЛАРИ:

"Қанотларла уфқ ортида",
Шеърлар тўплами (2000)

"On Winga Over the Horizon"
London (2002)

"Бегона булутлар остида"
Шеърлар тўплами (2004)

"Кумуш",
Шеърлар тўплами (2007)

"Кичкина эртакчи ва Оқ куш Нара"
(Москва 2012)

"Билаклар"
(Боқу 2014)

www.nigarhasanzadeh.co.uk

Нигор Ҳасанзода
БИЛАКЛАР
(Шеърлар)

Деразамни чергасиз, ё гоҳида эшикни,
Ўғирлаб бошдан-оёқ, солиб бўш киссангизга.
Яралари устида қанча ёзар шоирлар,
Балки кўрмоқ, йўқламоқ қисмат эмасдир сизга.

Юрагининг чандиғи - чуқур ва зим-зиёдир.
Кўлларининг ичида кўзи ёшли бир денгиз.
Бизнинг дарднинг малҳами-ўша дарднинг ўзидир,
Шоирларнинг мақсади, шеър маъноси шубҳасиз.

Енгилгина бир нафас, кимга ёқмайди ахир,
Сендай буюк рух номи жонга сиғмайди-нетай?
Бир нозик умид ҳам бор...ким туяр, ким эшитар?
Кўксингга юз ур бекор, кун келмагай тун кетмай.

Ўлим бошга тушдими-чўзиласан, турмайсан,
Фарқи йўқ ўлим-ўлим, оғриси жон тириксан.
Кўй, юрак симилласин, шу оғриқла буюксан...
Биларсан шоирларни севмоқ қандай гўзалдир.

Шохларни тарк этиб гоҳ нозик, гоҳ заиф,
Учишар ҳавода- кўкда япроқлар.
Эркатой боланинг қўл изидир, боқ,
Ерга қўнаётган кўплаб япроқлар.

Видо бўсасими- ёки қуёшнинг-
Нури бир оз сўлгин яшил, оловранг-сарик.
Қизилга бўялган бир дудоқ каби,
Бир оз шўр эдими, бир озроқ аччиқ.

Мудроқ кўзлардан ўтган йилдаин,
Тўкилури аста-секин япроқ ва само.
Учиб бир кимсанинг қўнар қўлига.
Анчадан сокин табиат гўё.

Йўллар сесканади қадам сасидан,
Исланган кўк юзи изини ювар.
Кузак оқшомининг титроқ саси-ла
Асаби ўйнаган кар бўшлиқлар бор...

Кимнингдир завқини алдайди яна,
Нозик елкаларнинг мағрур туриши.
Қочар,ҳис этмайди оёқларини,
Соғиниб кутади бир учрашишни.

Эгнига ярашган яшил кўйлаги,
Ҳар нега қўл етармиш, гўзалмиш дема.
Ишон нур келади сўқир кўзларга,
Тегса кўйлагининг этаги кимга.

Қанчалар оғриқли ҳар кун изламок,
Чўккан асрларнинг титроқ сасини.
Осмонни соғинган оқ соҳилларнинг,
Кўлмакларда сузган бўз соясини.

Қаддин нозиклиги, зарифлигидан
Юк остида қолур бошлар, қалпоқлар...
Нега алмашасиз десалар демиш,
Янгидан туғилар ўлик япроқлар...

Ёлғиз оёқ йўлда оёғи сизлар (?)
Кўлида хол йўқдир, тизида тоқат.
Сиқар оёқларин оёқ кийими,
Кўйлакка асира бадани фақат.

Ёлворди: дунёдан ҳамма розими?
Қани кел ғамингни тинглайлик кузак.
Бирдай урмаяпман сийнанг ортида,
-Ахир,оғрияпман!- сўзлайди юрак.

Қонимла ва жонимла тирмашдим беҳад,
Мен юртсиз, уясиз нетгум? Бўзладим.
У менга амр этди. "Қўрқма, сен ҳам кет!"
"Ҳар нега ҳозирман"-дея сўзладим.

Кимга ишонасан ва юзинг тутасан,
Билмадим, бу ишдан бош тортмоқ мушукул.
Истадим ўзимдан бош олиб кетай,
Ўзимдан мен ахир кетолмам буткул.

Мен на пайғамбарман, на шоҳ, на коҳин,
Аёлман! Суяқдан, этдан иборат.
Кўчманчи қуш каби яшайди ҳамма,
Ёки қўноқ каби... шуми марҳамат?

Билмадим,балки умрим етмади,
Йиллар ўтиб кетди нечада ёшим?
Чунон чарчаганман тасаллолардан,
Энди ҳеч билолмам нечук яшашим...

На асир тушаман азобларимга,
На ҳаво сингари ўзгармайман,йўқ...
Жонимдан тўйибман ёлғонларингдан,
Ярамас одамлар отмоқдалар ўқ...

Шундай хориганман хорғинлигимдан,
Бир куни,ишонгил, кулажак олам.
Оллоҳим! Ҳаётнинг қувончи қани?
Нечун севинурсан? Ҳайҳот билолмам ...

Бу тонгда уйғониб очдим ярамни,
Туз сепдим ва сўнгра маҳкам боғладим,
Фақат жавобимни жонда сақладим.

Фарқи йўқдир осиб кес, ёки уз деганининг,
Очиқ яралар бор юракда фақат...
Кун келар,улар ҳам юзага чиқар ниҳоят...

Бегона эшикни қоқмоқмагил мутлоқ?
Балки душмандир у, мушкулдир билмоқ?

Кимдир кулиб ўтар, ким ёт боқишла,
Сени захарлагай битта оқишла.

Бекит кулоғингни, сўнгра чиқиб кет,
На англа,на кулгин ва нада эшит.

На боқма,на ёнма, кўрма, сен ҳам кет,
На англа на да кул, ва на да ранжит.

Осонми бу қадар имонсиз бўлмоқ?
Бир оз эҳтиётла қилгин ҳаракат,
Афсус, бу биз учун эмасмиш фақат.

Демак,эрта тонгда яна уйғондим,
Очиб ўз ярамни сокин тўхтадим.

Туз босиб силайин, сўнгра беркитай,
Сиз берган пайдир бу, айтинг не қилай?

Бедорлик
Яна бедорман, ўйлар қоришиқ,
Чаламан кўнғироғин кўхна маъбудни.
Юрак қатларимдан излаб топганим...
Севги ярасидир қолган абадий.

Тунда аччиқ ҳақдори ва бир ютум сув...
Бу ҳам тушларнинг харобалиги.
Бирдан анлагайсан,ман барчасига
Қайтадан кашф этиб уйқусизликни.

Бирдан киприкларинг беҳол тушажак,
Бу ғофил димликнинг нимадир номи.
Яна уйғотажак уйқусизликни
Унутганинг бир вақтлар қўша қанотни.

Деразанинг совуқ шиша кўзидек,
Борлиғинг жойлашган уйинг ичига.
Аввал туз сепаиб,кейин силагин
Бутун яраларинг ўнгу-терсига.

Кулажак ўзидан кетгандек гўё,
Замонга,уйқуга мағлуб бўлажак.
Сенга англатади бедорлигини,
Анчадан ёлғиз ётган у аёл фақат...

Бундай қушлар ҳам бор қўхна дунёда,
Айри тушган эмиш қаторларидан...

Шундай қушлар ҳам бор қўхна дунёда,
На ўз уяси, на ватани бор.
Тунлари оппоқ рўёларида
Учиб кетадилар жаннатга улар.

Бойлиги бўйнидан қанотигача,
Булутли самони ёриб ўтарлар.
Ёпишиб олиб само юзидан,
Шундай кўр-кўрона уни сайларлар.

Оқ туклари қабариб тоза ҳавода,
Терар нафасини йўл жуда узоқ.
Кўксининг тагида оғриқ бор оппоқ,
Симиллар бир кимса эшитмас бироқ..

Шундай қушлар ҳам бор қўхна дунёда,
На туғма уяси на ватани бор.
Кечалар оппоқ уйқуларида,
Учиб кетадилар жаннатга улар.

Оппоқ қарғаларнинг,оқ одамларнинг,
Оқ уйи,оқ истак, дейман сенда соз.
Балки кутар унда энг мардларини
Битиб улгурмаган гўзал иссиқ ёз.

Бошлари узра тушганда шафақ
Бир кеча уйқудан ғофил уйғонди.
Кейин сокинлашиб ва кулимсираб,
Ўзлари самода юлдуздек ёнди.

Шундай қушлар ҳам бор кўхна дунёда,
На ўз уяси,на ватани бор.
Кечалар оппоқ рўёларида
Учиб кетадилар жаннатга улар.

Ёқаликка тириш тушиб
Оқ ипак.
Айлантирди ярим жонни,
Хуб кўпдан.

Ёзни кутар сўнг баҳорда,
Кўп ўтар?
Будир саллоланиб келар,
Ер магар?

Мудриклашар, оғирлашар,
Пичирлар.
Болалар ҳам кексаларга
Дўст бўлар.

Ел эсар, ел бездирар,
Икки қатра...
Ҳаёт ғарибга байрам,
Икки сатр...

Ёлбораман, қанчалар?
Юракмас бу ҳазина.
Вақтни виждонга йўллаб,
Софлик кўрсат ўзингга.
Ёйилгил тўрт тарафга,
Бу ўн, ўттиз, будир юз...
Жойим бир бўш манзилдир,
Ҳам озод ҳамда тоза...

Қўлинг тушди охиста,
Менинг нозик кафтимга.
Тиканли сим олтиндан,
Ёнди қумуш ўтимда.

Вақтларимни бой бердим
Кетди, ботти... не демак.
Аёл тизлари тўхта,
Эрта тупрокни ўпмоқ.

Ёстиқ эзар белимни,
Жой солинг тош ётоққа.
Қор каби оқ ва нурли
Узун йўлда, узоқда...

Зинапоялардан охиста ушлаб,
Биз томон келади кимдир сирлича.
Тушириб чиройли киприкларини,
Гуноҳсиз кўзларин яшириб неча.

Бурилиб ён йўлакдан узун кўчага,
Ўзидан чиқмоқ бефойда бўлгай.
Кўриб бу ақлли қизни бировлар.
Қимматли сир дея кўноқ айлагай.

Бошинг айланади, дўнар ҳар нарса...
Орзулар,истаклар муқаддас қоида.
Сен ҳам қардошликни, баробарликни...
Нағмасини куйла дўстинг қирол-ла.

Кел қочма қофия, хижжа ортидан,
Тингламоқ мушкул далли маслаҳатини.
Тонг чоғи йиғлаган чакмоқларни тут,
Ром айла ... охири адабиётни...

Фариштадек янги-тердир,
Бу ҳам илк тўлғанишлар.
Гўдак оёқлари учар,
Кўр қанча янги чуқур бор.

Ёшлар чиндан ишонурлар,
Текисликнинг йўқ охири.
Таърифсиз ҳам кўйлайдилар,
Бир жаннатдир тупроқ ўзи.

Тушида ер қуррасининг
Май кийими шитирлайди.
Коинотга севги дебон,
Учрашувчун пичирлайди.

Ичар гўзал асрларчун
Соғлиғингга қарамасдан.
Марҳаматни, яхшилиқни,
Шурурларки, билар инсон.

Ҳозир тўлиб кекса ёши,
Хаёл суриб оз ухлайди,
Сигарет тутунида қўли,
Ўзин ҳадсиз ўй чулғайди...

Ёлғиз Аллоҳ, ёлғиз ўзи,
Кундуз ўтиб, тушар оқшом.
Юриб қанча битирасан
Узун йўлларни ҳой одам!

Шошил марҳам бир сир учун,
Ўлимга раҳм-шафқат айла:
Қанча бунда қолмоқ бўлар,
Қанча яшагайсан ўйла?

Онам деди:-яшил боқиш
Хайирлига йўйилмас.
Ҳар тонг бу яшилликни,
Ўпмоққа журъат бўлмас.

Боқди... севимли ваҳший,
Дедим:- менга тегинмас.
Онам деди:- ишонма!
Тирикми, ёмон бўлмас...

Яшил боқиш тусланди,
Гўёки иссиқ ботқоқ .
Она қизига деди:
-бўлмас сувга туфламоқ!

Курагинга тиралган
Бир курак бўлсин экан.

Курагингни, елкангни
Қучоқласин шўҳ еллар.
Само суссин тилсиздай...

Курагингга биттаси
Пичоғин санчмоқ истар.

Сен кўрмассан, курагинг
Яримга жонга оздир...

Оқ туманлар пориллайди
Чўкиб у кун кўчамизда.
Мен ошиқман ёлғонимга,
Битта сизнинг соянгизга.

Қизарди февралда зиғир,
Сўлғин кунман қони қора.
Ошиқ бўлдим мен ғанимга
Бадбахтликдан таасуф яна...

Ақл айлан сархуш фикрда,
Айиқ боқишдан ғам изла.
Қолибман сенинг қўлингда,
Ҳам ошиқман, ҳам овора...

Мусофирсан, изламадинг
Бўшлиқни қанча кесганман.
Сени ўзингдан ахтарган
Муқаддас битта баётман...

Сендан сенга мактуб ёздим,
Ўлсам қолар номим ҳам ёд.
Рақс эт кўзгу қобоғида,
Бок, қалб қанча этар фарёд.

Тешиб ўтди оқ бир иссиқ,
Юрагининг қоқ ичида.
Минг сўз айтдим аммо мени...
Тингламадинг ғариб кеча...

Боқинг, ташаккурим ҳаммаси Сизга!
Баҳш этолмаганим не бўлса бутун.
Мен тунлар бедор бўлганда ҳар кун,
Сизчи, ширин-ширин ётганингизчун.

Шул сабабдан- ки,манглай ёзувга,
Боқиб ўзингизга қайтдингиз етар.
Шул сабабдан- ки, менинг шаънимга
Қўша олмадингиз гўзал нағмалар.

Нима сабабдандир, жимиб англадим,
Яхши биласиз ўзингиз буни.
Тақдирда дейилмиш мени англамоқ,
Десамми буни?

Нима сабабдандир, ёт эшигида
Мен ўзга бўлмадим...Сизга ташаккур!
Балки шул сабабдир,ақлли бўлдим,
Бунга кўп шукур...

Мана бу ҳаммаси ... омадлар дўстим,
Дунё гўзал экан, йўқмиш хабарим...
Ташаккур айтаман ва ҳеч қачон
Сиз билан кесишмас менинг йўлларим...

Сенинг гуноҳинг эмасдир,
Курагинг оғрияпти буткул.
Сенга эмас, денгизимга
Мен кўпдан жодуланган қул.

Саҳар бешда-бешинчи кун
Ўз товушимга уйғондим.
Ўша кундан ўз юрагимла
Қичқириқ солмоқда онтим.

Энди ҳар бир дарвеш учун
Сақлағайман уйимда шам.
Сен келсанг, агар ҳозир,
Танловимга учажакман.

Мен саҳийман, сен кес мени,
Сўнгра бир йўл очлигига.
Бер яранинг ёмонини,
Яшашни ўргатай унга.

Мен қанчалар узоқлашдим,
Узоқлашдим ўз жонимдан.
Сен кўрарсан, сўнг жаннатда
Чечак очмоқ бўлар осон.

Ҳам жасур бўл, ҳамда юксак,
Сен анлая оласанми?
Гуноҳини ташияпман,
Бир занглаган пичоқ каби...

Ўзгалар гуноҳига кўра
Кимса бахтини синамас.

Ҳамон пичоқла кесганинг
Сабоғин ўз пешонангга ёз.

Гуноҳинг эмас...курагинг
Дастурхон устида ётмиш.
Соат бешда истагим бор,
Жимгина сени тарк этиш ...

Истагинг бу эди...ўликдек сокин ,
Оҳ-воҳсиз, нолонсиз, лол ҳамда карман.
Энди юрагимни эшитаман мен,
Яхшиям соғман...хотирлаяпман.

Ҳар нарса жаҳаннамга... нахор ҳам шундай...
Осуда ётибман, яхшиман демак.
Орқа ўтрилибман яқинларимга,
Ёмон кўрқинчлимиш ўзини севмоқ.

На истак, на таъна,на да эътироз.
Қандай хохлагандинг-шундайман,мана
Лойиқ бўлмасайдим курашишмоққа!
Балки танимасдинг мени бир бора...

Қўймасман руҳимни балога чунки,
Балки ҳам аёлман-тавозакарман.
Оқшом емагига ҳар кимни ўзим
Таклиф этмоқдаман, Сиз бир-ла борман.

Чунки сизни собиқ рафиқангиздек
Биламан ёнингизда бўзраймас рангим.
Чунки ошиқ бўлар менга йигитлар,
Чунки ишончим бор уларга, не ғам!

Кесар нафасимни ҳар қандай қахр,
Олган ҳар нафасим тоза нафасдир.
Чунки Сизни жуда кам хотирлаяпман,
Балки хотирламоқ шундай абасдир.

Бир тонгда ўзимчун шуни истайман,
Мукофот сўрайман Тангридан хатто.
Сехрли бир боғдан юборилганман,
Оиласиз хузурман чунки ҳаётда.

Кулгилидир? Дўстим, лутфан
Кулинг узоқ зарофатда.
Мен юксакроқ сўзлаяпман,
Бир ўзимга эмас хатто.

Кулгилидир... сиз ҳаммадан
Ҳам ножибсиз, ҳамда хассос.
На эр бўлдингиз ва на ота,
Қалам, ижод этиб бироз.

Кулмаганлар ранжитажак
Дарвешларни, завварларни.
Ҳақиқатга яқин бўлган.
Энг самимий одамларни.

Қаҳқаҳа қил... сен бемажол.
Шилтоқлигинг қолсин ёдда.
Эрияпман симоб каби
Икки муздек нигоҳ ортда.

Бемаъни қулишни авф этдим,
Ё Раб, йиғламоқдан қўри!
Тунги омадсизликнинг
Акс-садосидир, ахир, бу...

Танри либосига мухтождир ҳар он
Руҳ билан юрак...
Ҳали ҳам иссиқ ва тоза эди
Бергани емак...

Сен уйда дастурхон ёз, меҳмоннавоз бўл,
Емак топилар.
Майли қоқсин эшикни ғариб йўловчи,
Яшамоқ бўлар...

Иситиб сўрамас:-Кимсан, қандайсан ?
Содик печкалар.
Белни буккан шамоллашларни
Саховат-ла чиқарар...

Нақши билан товонини эркалайди
Уйда гиламлар.
Сўзсиз ўзи билан олиб кетар
Келган кўноқлар...

Чиқиб кетинг, қолдиринг, ёлғиз олайн нафас
Афсус, мен бефарзанд аёлман демак...

Ҳар кичик ҳарфни, ҳар кичик сўзни
Бағримга босаман илк фарзандимдек.

Ўз сутимла боқдим, тарбиялаб ҳаммани...
Ўз уйимда меҳмон қилдим ҳар жонни...

Қўйворинг бошини, унутинг кетсин!
Яшамоқ гўзалдир! Аламлар битсин!

На кутинг, соғининг ва на фикр қилинг!
Қолдиринг, мен туғмас аёлман демак!

Ҳаммани ваҳший билан кўрқитмоқ
Бекор.
Севарсан...ўпарсан...
Бу қанча хушдир!

Мени кечиринг сиз, асир бўлмоққа,
Уйғота олмадимми, сизда бир мароқ?

Кўр қанча йил ўтди, бу азоб кўпдир...
Сизни орангизда битта у йўқдир...

Мени жодулама шундай кучлиман,
Истасам нигоҳим-ла ёқаман фақат.
Синдириб ўғирлайман, кул айлагайман...
Қанчалар ҳукмдорман биласан албат.

Жодуни, сеҳрни ҳеч севмас Аллоҳ,
Қорадан-қопқора зулмат бир кеча,
Жоду ҳам, сеҳр ҳам саналар гуноҳ
Ўпарсан бир ғариб юзни сирлича.

Сочини атрига бурканибди, ёз,
Сизни сасингизга куйлар жўровоз,
Ҳар куни, бир лаҳзалик бир биллур сарой...

Қўлларинг топ-тоза кўксинг устида,
Пушаймон эмассан мардларча бунга.
Виждон орангизда ухлаган кўпдан,
Бу кеча иноминг ҳеч йўқдир унга.

Бу кеча ғалаба сенинг фойдангга,
Гулчамбар тўплаяпсан хотира учун.
Сен билан бу ғофил сирли ўйинда
Бу кеча ким бўлса ўлажак яқин...

Севгидан ёлғонлар сўзлайди ой ҳам,
Бир вақт сўзлаганди менга ҳам ёлғон.
Бу кеча ҳам ўтган кечалар каби
Сассиз чиқиб кетар сенинг ёдингдан.

Тонгда тортиб устимдан,
Ёпгандим чойшабимни.
Ўрдим қиз кокилимга
Мен бутун гуноҳимни.

Ёноқларим қизарди
Узук бармоқларимда.
Қулоғимда сирғалар...

Тушдинг нозик сўқмоққа,
Хўп баланддан куйладим,
Кўр қандай рақс этяпти
Бу зариф оёқларим.
Янги кун...
Яхлит кун...

Сен шундай танҳосан, балки сен бун
Эътироф этмоққа кўрқасан шундай.
Совуқ қурол бўлган бир тўппончани
Манглайига тираб турасан шундай.

Сен шундай танҳосан, фақат арилар,
Ҳали ҳам айланар, кўнар бошингга.
Дон Жуан ролига сен қариоқсан,
Баъзанда эслагин, бир боқ ёшингга.

Қиммат соатинг, зар тугмаларинг,
Алдаб кўзга чиройли кўринган безак.
Кўзни камаштирган сўздир, суҳбатдир
Сўзда-суҳбатда ҳам устасан бешак.

Манжет, галстуклар, нутқ, ҳаракатда,
Ҳаммаси қусурсиздир, биласан сен ҳам.
Ишон яқиндир у, бир куни тунда
Бўридек увилларсан ойни кўрганда.

Фақат ёлғизликдан, бўз даллиликдан
Ёш улғайган пайт иккиюзликдан.
Не бўлса бир вақтлар яшаб ўтганинг
Бир кун йўққа чиқар ой туғилганда.

Бошингга сепилган гул чамбарлари,
Сонсиз омадларинг бекормиш демак.
Кимнинг на важигга, кимсан, қандайсан
Кейин билажаксан... лозимдир кетмоқ...

Кимнинг- ки, юраги карвон йўлидир,
Тубсиздир, айланмас унда кўноқлар.

Кимгадир муҳаббат ҳазил ўйиндир,
Унда на кўз ёши, тараддуд, на эҳтирос бор.

Ҳар кун тобе бўлиб сенинг қасдинга
Ўзлари тўйгунча қасд-ла ўйнабди.
Бу игрангани соф муҳаббатга
Бефарқ шоҳлардайин ҳиссиз жилмайди.

Сен ёлғиз, умидсиз хастасан демак,
Севиб севилмоғинг алданиш фақат.
Қачондир эҳтиёт қилиб биттаси,
“Эвасиз эмаслигинг”-пичирласа бас.

Бошқача бўлмоғин билмас эҳтимол,
Ҳайирли эмасдир ҳар нени билмоқ.
Яланғоч кезасан ҳеч уялмасдан
Қаерда денгиз бор, тупроқ бор демак,
Озод учадилар қаерда кушлар...

Кесиб,узиб неча бор
Яшаяпман деяпсан.
Қаерга кетардим мен...

Оёққа қалқиб туриб,
Сиз учун ва ўзим учун
Кийинмоғим бор...

Нигоҳларим кўзгуда
Демокдаман
Аллоҳим...

Қанчалик ўхшаяпман ахир, мен сенга...
Ўз маъшуқига...
Ҳамма нарса ундан қолганди шундай,
Эртақдагидек...
Сочлар ва елкалар...кўзлар ва қобоқ...
Қанча яратса ҳам, ҳеч вақт,ҳеч кимга,
Қисмат бўлмаёжак бундай яратмоқ!

Ўзига ўхшайди-, ажинигача,
Охирги фикрига, орзусигача...

Кимдир кул сепади қайдан кўзимга,
Сўнгра сўзлайди: учрашгунча...

Учрашув бўлмайди... фақат ёнимдан
Яна эҳтиросла қараб ўтарлар...

Илоҳи, сен мени ундай севмайсан,
Мумкинми бир бора сенингдек севмоқ?!

Тозаладим жодудан
Бир бегона уйини.

Уйғонди эски нағма,
Яна қашқир увлади...

Эшикдан тушди соя,
Гоҳ йўлга, гоҳи Ойга...

Маслаҳатин олгани
Мен кетдим жодугарга ...

Деди: -азизим кечдир
Будир энди бадбахтлик...

Қашқирдек увиллайсан
Ҳамма вақт, ҳамишалик.

Янги йилга

Қор ёғар...
Ҳаво тутқун.
Рақам манфий ўн икки...
Янги либос,
Оппоқ дастурхон...
Иссиқ ётоғида,
Дўстнинг-рафиқанинг
Иссиқ қўллари...
Узун шам,
Бармоғингда узугинг...
Кўнғироқ...
Уй ва деворлар,
Жаннат тириклик суви.
Сирпанчиқ тери...
Аллоҳим!
Мадад бер, ўзинг сақла!

Эски, тор даҳлизда бир кун тўсатдан,
Боқиб кўлимдаги билакузукка.
Дедингики, биламан,яхши биламан,
Сени мен танийман бир нишонадан.

Сўзсиз сўзлашасан, бирдай кечалар
Эшитасан олган нафасларимни.
Болам, неварамни эркалатганим
Кўлимда калит, сас солганларимни.

Қайда учрашгандик эсларсан ҳайҳот,
Ўпасан мен келган сўқмоқларни ҳам
Жавобгар бўласан менинг ўрнимга
У дунёда тугул, бу дунёда ҳам.

Қарайсан, охири... бош олиб кетар
Узанар, узанар йўллар узокқа...
Кимдир оёқяланг турар йўлакда,
Менинг-ла сўнгги бор видолашмоққа.

Тўхтама, ўт,
Йўлда тош бор.
Йўқдир яранг
Йўкса менга
Йўлиқарсан!
Унут кетсин
Тўққиз осмон...?

Кўриб ёнма,
Сахрода кез,
Шувоқ атри.
Август иссиқ,
Чидаш қийин?
Ўгир, қилма жаҳд.
Йўқ қисматинг.
Бўш идишдаги
Заҳар сенинг.
Қонли ёшлар,
Гўзал чоғлар,
Ичиб бўлмас,
Бўғиларсан,
Тўғри демак...

Сўзлади виждон,
Не бор деди...
Пичирладинг:
-Оздир фақат...
Мен янгидан
Бошлагайман...

Кундан кунга
Эҳтиёт қил,
Қултум- қултум...

Қарши эсган шамол каби-
Силкинмоқни унутдим...
Умр-кунни ўғирлайин
Шаҳватлардан бир онлик.

Кенг чўнтагим ичра кезсин
Саҳоватли фақирлик...

Яна бурканмоқми? Вақтим бўлмади,
Кимга?-истамайман, билмадим азал...
Ёки жаллодимнинг кулоқларига
Нағма пичирлайман қатлдан аввал?

Қўшилиб булоқнинг шовуллашига,
Менку миннатдорман ҳар текис учун.
Сенга бағишлаб олтин қалбимни,
Калитин берибман, сўзла не учун?

Энди очик қолиб эшик, деразам...
Қўр бу қандай туш эди? Ахир не журъат?
Қайси бўрининг кулоқларига
Нағма қуйлаяпман ҳаммадан хилват...

Кимнинг этаги бу, уни билмайман,
Тегади самонинг етти қатига.
Очибди оғзини бир курт сингари,
Қандай инсон дейин энди мен унга?

Қўлимнинг устида тиканли юнгмиш,
Мен шундай билдимки зариф бир ипак .
Қайдан билайин, бир кеча бўз бўри каби
Қўйнимда ётмоқни истаган фақат.

Яна бурканмоқми? Вақтим бўлмади,
Кимга? Истамайман, билмайман азал...
Бугун жаллодимнинг кулоқларига
Нағма қуйлаяпман қатлдан аввал.

Қизилгулни териб, шипга ос,
Фақат не фойда...
Фойдаси, гулнинг бўйи келсада уйдан
Энг баланд да бўлсада, сўлажак у ҳам.

Тиканли мунчокни зариф бўйнига,
Осан, тушунажак бунда ҳикмат бор...
Синмасин дея қўпол қўлларда
Нозик тегинмоқни ўргансин улар.
Ҳамма айтар сенга мукамал,ғамни
Ҳеч ким ҳады қилмас бу қўллар қадар...

Хириллаш...бўлиниб жон икки ерга...
Яна бехушликми? Йўқ бўлмайди!
Бу кимга керак?

Ахир нима дейсиз? Қолсин тиканлар...
Бермасман ҳеч кимга дунё узилганда ҳам.

Ахир сиз кимсиз? ижозат беринг,
Битта нигоҳ-ла
Ҳеч бўлмаса боққа
Айтай алвидо...

Боғла оёғингни ипак банд билан,
Боғлаб айтадилар, кимсага эгил...
Энди охирлади жазирама ёз,
Боғ ўша... сўз ўша... қўл, у қўл эмас...

Ўзгартириб кўлларим, сочларимнинг рангини,
Кийволибман ўзганинг кўйлагини эгнимга.
Биров билан гаплашаман пасайтириб овозим,
Бир актер умидида, адосида сен дема...

Дастрўмолим тушар шундай, тиканлидир кўйлагим,
Қазончага ўгриларми совуқлик эҳтиёжим?
Гур издаҳом ичида, одамларнинг ёнида
Фақирликни асодек кездирмоқдир дармоним.

Кўп билган одам каби кўрсатаман ўзимни,
Умид қиламан бир кун бу аламлар битажак.
Уйга келаман соғлом, тунда ярим кечаси
Камеранинг олдида тўхтагайман виқорла...

Кўй бўлсин шундай! Ҳеч ким кўрмас, фарқи йўқдир уларга,
Мен кимман... кўпи учун ўттиз тўққизинчи рақам.
Нелар дейди кўр менга, ўғрилиқча боққанлар...
Афсус, сассиз кадрлар кўпдан тортилган... не ғам...

Роҳатлик топаолмас, тегиниб баданимга,
Кастюмлар безиб ҳозир, сирпанади елкамдан.
Бир янги мўжизанинг тутқун сояси каби
Терс-терс боқар ўзига бўйланади кўзгудан.

Бу ҳам менман... ҳайратда, ҳали нону, сув учун...
Бу манзилда турибман яна вақтим қасдига.
Шикоят қилаяпман яна ёмон ҳаводан,
Боқаман, кимса чўкиб тиззаларин устига...

Кўп, ўн марта ечинтир, сен бир ариқ қарини,
Тутиб иссиғин ортда, дедиларки майитсан.
Таъзимла пичирлайди қулоғига бир аскар,
“Нолар менга гўзал бўл, зарофатла, дейди-сен...

Балки бу ҳам туш эди, бу ҳам битта зарофат,
Эрки қўллари кезар яна зариф бўйинда...
Шундай умид қиламан, яқин бутун малаклар
Тезликда унутажақ нонини ҳам, сувни ҳам.

Бу ҳам уя суҳбати,
Ўзга чодраларини
Кумуш ип-ла ўрганлар...

Ким ташиса елкада
Ерни ва коинотни
Унутар аламини
Бу эскирган ҳаётни.

Оҳ чекиб ҳар одимда
Уйқусиз тинчланмасдан.
У қадар оҳ чекибди,
Оҳга айланиб бадан.

Шундай севдим бу йўлда
Пушаймон ҳам эмасман.
Рух узгун, жон ярали,
Сенга бўлган ҳайратдан...

Ҳар кун-охирги марта
Ким ёддошни излайди,
Яқинки шу сабали
Бир кун тушар балога.

Терлаган деразанинг орқасида фонарнинг
Сариқ кўзи айланиб ёлғизлик соясига.
Текис бурун учида, ўз-ўзига тегинар,
Сап- сариқ нафасини ҳар кун ютиб ичига

Кеча шундай бегона, қорайган юксаклардан,
Битта қора йўллардан бўйланар бир сукунат.
Ўзига исканжайди? афсус бу жимжитлиги
Қайдадир хуррак отар, жимгина бир мамлакат.

Бу бўз юзли уйларнинг девори шундай қалин,
Ўзининг фуқаросин асрайди ҳар бир замон.
Юлдузларла безанмиш кўк юзидан, бирдайин,
Қанча-қанча разилдан ёки бир ҳалокатдан.

Фонарнинг сариқ кўзи сариқланмиш асфалтда...
На ўнгга ва нада чапга... на юқори, на ёнга...

Бир кўча у тарафда ва иккинчи қаватда,
Тунлари танҳо ўзи бир гўзал қиз ухлайди...
Фонарнинг сариқ кўзи ҳозир ҳеч кимни кўрмас,
Бошқа бир деразага боқиб қай вақтдан бери.

Бошимни кўтариб боқдим самога,
Тушириб аста киприкларимни...
Қачондир кетгандинг, қанча вақт ўтди,
Энди сен осмонимда- худди туш каби...

Нафасим тортилар олгунча нафас,
Қанча гаплашаман, кўр яна-яна.
Мен бугун шунчалик меҳрибонманки,
Эшигим қоқ, кўриб чиқай қошинга...

Бўйнимга оламан, севаман сени,
Музлайман, бўғилиб қоламан шундай.
Сенга ишонаман сенга, азизим,
Ҳозирман қалбимни очмоққа шундай...

Осон бўлсин дея, ҳамда шоҳона,
Келдинг юрагимга, қолдинг унда сен...
Сен соҳибим бўлдинг, азиз меҳмоним,
Ва сўнгсизга қадар каби жилмайдинг...

Бошимни кўтариб боқдим самога,
Туширдим аста киприкларимни...
Агар сен бўлмасанг осмонларимда,
Демак, осмон кирган тушимга мени...

Сени у нағмадан басталагайман,
Уни куйламайман, туяман ҳали.
Кўхна томнинг устида, у ғиштли уйинг
На қадар узоқ бўлсанг, яқинман шундай...

Қўй сенга руҳ бўлгум, сенга жон бўлгум,
Кел менинг уйимда бўл янги меҳмон.
Юзимдаги нур жавобимдир боқ!
Сеҳрли таёқсиз ҳам, бир мўжизасан,
Менинг ҳалоскорим бўласанми сен?!

Сигаретни отсанг - сенга зиёндир,
Ниманг бор,ҳадя қил, яшагин роҳат.
Ва ишон Аллоҳга...азобли бўлар,
Бирдан ўзгаларга хуш келган ҳаёт...

Сўнгра ўлмасликдан ва ёлғиз ётмоқ,
Мисраларни қўшиб вақтни узайтмоқ...
Ва шампан шароби... бирдай нуқталар...
Ва нималар... нималар...

Қўлингни оч кўрай,кафтингга боқай,
Юрагим бўл менинг, сийнамда тўйин.
Нафас бўл ҳамиша кўксим тубида,
Ҳаммадан азиз бўл, ҳаммадан олдин.

Соч тўғноғич каби миямга ботар,
Сенга ишонаман юз бора... не ғам!
Энди ўша уйнинг томи устида
Қўшиқ куйлагайсан, мен эшитмайман...

Суратинг самога ёзилган дуо,
Ўпар дудоғингдан кўп мўжизалар...

Ҳали тақмаганинг, никоҳ узукка
Зариф бармоқ бўлгум истасанг агар...

Сен шундай гўзалсан, шундай кўрқувли...
Ва танҳосан... боқ бу ҳам менинг нишоним.

Бўларми ёшликни такрор қайтармоқ,
Ёшликдан қимматроқ нени топарсан ?

Ҳар лаҳза кўринар ҳаётнинг туби,
Не бўлса охири русумдир эрмак.

Ёшлик сенинг учун ягона неъмат,
Унингга озодсан, бахтлисан демак.

Ич-ичингдан билгил, бундай зарофат,
Ўзинга ўхшасин кексалигин ҳам.

Кундуз дудоғингда бўғилган қўшиқ,
Тунда дудоғингда тинсин бир лаҳза.

Арзон даллолликла нафратин тўкиб,
Азоб беражаклар сенга ҳам демак...

Ёшлик ўргатажак навқиронликни,
Ундадир жасорат, шижоат, истак...

Сен шундай гўзалсан, ихтиёр сенда,
Неки бор-тўсатдан жарохатладинг.

Неки гўзал бўлса меники эди,
Демак сен ҳам унинг бирисан энди...

Шундай бўлажак шундай,
Усиз сенга кўп осон...

Кўрган тушинг узундир, кимса
Уйғотмаса уйқудан.

На талаб бор, на хошиш,
Аста боқар сузилиб.

Кийиб узун кўйлакни,
Кимнинг йўқ эҳтиёжи.

Ғалати пичирлайди,
Нағма унга эҳсондир.

Хадялар- чир-жулдир,
Кўли дардга дармондир.

Келишиб яшаяпсан,
Усиз сокинсан хатто...

Сиғиниб манзилига
Кўрқув йўқ том остида.

Миллионлар каби яша,
Севгига график тут.

О қизсиз, ноаларсиз...
Африкани ҳам унут...

Бошқа одамлар каби
Сенга бўлажак осон.

Бир кимса уйғотмаса,
Кечалар хўб ётарсан...

Мени кечир, кечиргин мени, Кичкина...
Мен бироз сен билан ўйин ўйнадим...

Мен болалик қилдим... кечир, бўлади баъзан...
Ҳар янги кун келганда, кеча чиқади ёддан...

Эҳтимол мен ўзимни тасдиқ этмоқ истадим,
Меҳмон бўлиб бир кеча, сўнг кийиниб кетаман...

Минг афсус у қўллардан... танҳо қолибди бу кун,
Мен бироз ақлиман, кечиргил, бир дўст учун.

Замон ўтиб кетади...
Сен кечиргил Кичкина узун киприкларимни,
Юрагингни алдатиб, йўлдан чиқарди сени...

Бирдай севги хурмати... унга эҳтиёжим йўқ...
Аламли безовталиқ...
Бок,энди кўзларимда денгиз булғанганмиш кўп...

Бокмайман, ҳеч тубига...
Кечир мени, сендан сокин кетаман яна...

Менку шундай чиройли видолашаман,
Орқамдан юлдузлар жилмаядилар,
Ва мен ҳам қулимсирайман..
Ҳамда сассиз-бахслашувсиз,
Ақл ўтгатмасдан,
Тортган аламимни ҳар кўрганда сиз
Азоб чекмагайсиз...

Менку шундай чиройли видолашаман-бу менга кўп хуш,
Битта қоқилмаса оёғим бугун,
Ҳали синмаган демак.
Бўлар кетаолмоқ-ёлғон-нимадир-бўш,
Менсиз ҳам яшай олади,
Мендан сўнгра чидаб қолганлар...

Кўкдан қўл силтаб видолашаман,
Ҳаво етмаса ҳам нафас олмоққа,
Нафас олмоқдан шундай ...
Мен шундай гўзал видолашаман,
Шундай тез,
Бирдай кечикмасам яхшийди шундай,
Ўз вақтида келаман учрашув жойга...

Қандайин қўланкам мени тарк этар,
Оғриқ бермасдан.
Айрилиқ вақтида шивирлангиз сиз,
Гўё севасиз...
Бир марта ўпинг қўлимдан,

Етар...

Эҳтиёт этмоқдан-ишонаман мен.

Менку шундай гўзал видолашаман,

Гўёки бажараман видолашмоқни

Бу кечадан бошлаб сени севмагайман...

Қанотсиз фариштам, дўстим, азизим!
Охирги умиддир балки бир пичоқ...
Ҳис қиласан: ўртадан тўғралиб тупроқ,
Вақт ҳам орамизда тўхтади, бир боқ!

Қўлингга тегинмоқ гўё гунохдир,
Кўплар ҳасад қилар бизга не дейин?
Кўр қанча тўкилиб кўк устимизга,
Оёқлар остига тушди юрагим.

Раҳмат, ўликларни тирилтирдинг сен,
Дуо қиламан, йўқ... ёдимда эди...
Ҳар сўзга, нафасга авф ва оҳ учун...
Энг катта бир кохин чақирар эдим.

Маъбудда ё чўлда... ваҳший шамоллар
Кимсасиз сочини тарқатиб турар.
Боқиб қўлларига жодугар каби
Бир фолчи толейидан башорат қилар.

Қаёнга кетасан, ҳар ер ташвишли,
Қочиб сўнгсизликка етмоқ кўп мушкул.
Кўр қанча айланар қора қарғалар
Текислик устида абадиятнинг...

Ким тутар сўзини? Энди жаҳаннам...
Надомат бўлмасин... эҳ нима дейсан...
Савол берма азизим, не учун, нега?
Бахт шундай келармиш, ахир, азалдан...

Олтинга, кумушга айланиб ҳали,
Менга сиғинажак баланд уйингдир.
Бизлар гўзал эдик, ёш эдик ҳали,
Афсус... иккимиз ҳам танҳомиз энди...

Ўргана олмадим видолашмоқни,
Юзингни бурда кет, сен ранжит мени.
Ўпишиб айрилмоқ қанчалар азоб,
Бир бора кўришмоқ, эшитмоқ сени...

Бу кечадан сени севмагайман...

Мен сени севардим-билсанг қанчалар!
Мен сени севардим-само бўлардим!
Мен сенинг оламинга бир улуғ Тангри,
Нон-тузинг бўлардим, сувинг бўлардим!

Бутун кўлмаклардан
Денгиз ясаб мен,
Сенга алам керакми
У ҳозир менинг сийнамда.

Балки бўларди.

Ёлборма, севаман сени,
Ёлборма, сен ўлма кел!
Бирор марта абадий,
Ё -йўқ, ёки- ҳа дегин!

Энди денгиз бўлмасман!
Денгизни унутаман!
Хўп узоқдан, тубидан,
Бўйлан, руҳимга боқ, сен!

Денгизим-шундай золим...
Туярсан... эшитмайман.

Йўқотиб солди кимса,
Сувга тушди юзи ҳам.
Ичиб тузли сувидан,
Бўғилди денгизим ҳам.

Зулматларда ўлим бор,
Тилимда битта култум.
Денгизимга келмадинг,
Нукталар... битта ютум...

Денгизлар орасида
Бир денгиз ботиб қолар...
Денгиз бизнинг ўзимиз,
Танҳолик-танловимиз.

Сувори озмиди юрагингизда?
Танкларни юборинг қалбга не бўлар...
Толиқмасин дея тўпнинг ўқидан,
Қўлимла соғаяр, жонда яралар.

Бирдай такрорлангиз, оғритмас шундай,
Тангри қарор қилиб эвазимизга.
Севгидан туғилган бошим, оёғим,
Бахтли кўринмоқдир ҳамиша кўзга.

Ўқингиз бир афсун ўқиган каби,
Қандайдир азалдан шу эмиш қисмат.
Биринчи учрашувдан умрингиз бўйи
Сизнинг ёнингизда тураман фақат.

Тун гуноҳларга инган вақтдир,
Менга тиргак бўлмас энди деворлар.
Бўғилиб қолажак томирларингиз,
Не вақт тавонингиз узса эшиклар.

Шундай хаёл қилинг-у ерда йўқсиз,
Юминг қўзингизни нигоҳлар кетсин.
Оқшом емагида не ўйнадилар,
Саҳар емагида унутинг кетсин...

Энди бир афсундек хотирляяпман,
Мен сизга забонсиз алвидо дедим.
Негадир толейим толе бўлмади,
Муносиб бўлганимни севаолмадим.

Ўп мени кўзларимдан

Ҳеч ким бундай ўпмаган!
Кимса этмаган гумон!
Ҳар кимнинг эвазига
Кимдир кўзларга ҳайрон...

Боққанимча кўряпман,
Ўп кўзимдан қилма ғам!
Бизга нафрат айласин
Рашкидан само, олам.

Шундай яқин тўхтаки,
Нафас учун жой бўлсин.
Сенинг бўсаларингдан
Киприklarим юмилсин.

Қазилмиш йиллар йилга, у кўзларинг ортида,
Ҳаёт киприкдан зариф, ҳамда бўларкан қисқа.
Гўзал малак боқишлар не вақтда учрашганда,
Лаҳза, юз йилга қайтар, бир аёл имзо отса.

Ўп мени кўзларимдан!
Шундай керакдир шундай,!
Шундай бўлгани яхши!
Яқин кел... кўзларимдан,
Эҳтиётламасдан ўп!

Йўққа чиқажак денгиз...
3.Карбаси

Ўша кун,
У ҳаётда,
Шундай ўша соатда,
Қаршимга чиқсангиз сиз...
Йўққа чиқажак денгиз...

Шундай ўша кўришда
Йўқ бўлар қадах-қадах,
Бир оз шаробла, тузла,
Дудоқ ва кўз ёш ила...
Бурилилади ўша кун
Жиддий узурларимиз
Бир сархуш, эътирофга...

Не бўлса ўтиб кетар,
Не бўлса-кечирилар.
Ичайлик тубигача,
Ёлғизлик соғлигига.
Яхшиямки сиз учун,
Азиз дўстим, мен борман,
Яхшиям сиз туфайли-
Тўхтаганман яқинда.

Икки дона товушдан,
Кўй, битта сас туғилсин!
Елкамиз бир-бирига
Етиб чирмашиб кетсин!

Ҳаёт учун-киприклар
Ўлик тушсин ҳайратга.
Бошимизни йўқотиб,
Ошиқ бўлайлик не ғам!

Охирги имидсизлик,
"ва бирдан..."- кўздан тушсин.
Эҳтиёт қилмасман ҳеч-
Тизлар... қўллар... кўришсин.

Эрисин масофалар...
На он, на кун... қўй, кетгум...
Яхшиямки, тахтимга
Сени шоҳ деб сайладим.

Бу уй, бу ҳам остона...
Кел кетайлик сўнггача...
Тиш-тирноғимиз ила
Кел, қўрийлик не бўлса...
Бугуноҳ малакларни
Ҳар он эсиб устида.

У кун бошқа ҳаётда,
Лаҳза, кун хурматига...
Афсуски йўқдирсиз, сиз...
Йўқолиб бирдан денгиз...
Кимни қарши олай мен?
Ҳечам кўролмаяпман-
Йўққа чиқажак денгиз...

Фвқат мандан хабарсиз...

Тегинма малакларга,
Сен фаришта эмассан...
Золимликдир шоирни
Кўкдан ерга туширмоқ.

Ҳайрон кўйиб суҳбатда,
Кеча солар ғийбатга...

Ҳар янги сўз тагида
Покиза қони томар,
Унинг боши устида
Тангрининг ўзи турар...

Ўпсанг заҳарлагайсан,
Шул сабаб ўпмагин сен...

Бўйи-биқини бошқа,
Бўсаларимдан эмас.
Чўкиб ўз кўзларида,
Гуноҳсиздир азалдан.
Қайда одамлар ғариб,
Сувлар туз эди...хушдир...
Кунлар, йиллар дамланиб,
Озодликдан сархушдир...

Кўрқар узун киприкдан,
Кимдир истаса севмоқ.
Малаклар кўринганда,
Охират етди демак...
Бу балки пайғамбарлик!

Сенга ўзи не керак,
Асл шоир эмассан?!

Толе-кўзга кўринмас, ботиб қолар бир онда,
Ҳаққа кўшни бўлган бир ғарибга туманда.

Қайдаки ҳар бир оннинг ўзин халол ери бор.
Исканжа йўқ, атрофда эҳтирозсиз кўшнилар.

Қайдаки оқ чечаклар-ўзи шундай безакдир,
Қайдадир ахтарганинг-ёнингда ҳақиқатдир,
Барча сенга нафасдир...

Қайда илиқ суҳбатнинг-пичирлашнинг бор ери,
Кўлларнинг, елкаларнинг зариф эркалашлари...
Сенга шундай туйилар, кундалик эътиборга,
Жой йўқдир бирор қарич, сен ҳам изсиз-овора...

Қайдадир боқишларинг келтирар кўкни ерга,
Сен ҳам шундай бахтлисан, урилмассан кўкларга,
Чорасиз...
Шундай яшамок бўлар...

Ўлимдан ҳабар топар, барча ўлгандан сўнгра,
Фақат билмас аввалдан...
Ақлига келмас сира, қанчалар ёлғонлар бор,
Одатда.

Қайдаки лўтгибозлар шарт қўймас одамларга,
Жой йўқдир бу дунёнинг қўшган ёлғонларига.
Қайда йўли текисдир-ҳаётда ҳар одатнинг,
Ҳар бир маданиятнинг, ва ҳар битта миллатнинг.

Қайдаки сўз сас эмас,
Қайда илм фойдасиз,
Ишонч бор...
Ўзига,ўзгасига, комета, думалоқ шару-
На кашфиётга эҳтиёж бор,
Ҳар сирлида кўмак бор,
Балки да...

Танҳо хаёл жозибаси,
Бир тушунчалар...
Қайдаки олдиндан охиригача
Ёлғиз ҳаёт эмас,
Битта маъно бор..

Агар мени топиб узатсанг бир оз,
Нафасдан нафасга етарман хали.
Ҳар лаҳза дўниб, бўлар бир абадият
Бу не диққатсизлик? Лозимми шундай:
Ўрган-коинотла нафас олмоқни,
Ўргат коинотга нафас олмоқни,
Ўргат тез инжиган ўзингни бундай.

Сен унда вақтингни қанча сарфлайсан,
Оқимнинг ичидан қанча ўтасан,
Ярадор бўлмасдан... йўкса мен кушман...
Кушлар шоҳими?
Исмим ёзилсачи тожга- не демак,
Жон пастда замони кўришим керак...
Арзимас нон ҳақда ҳеч ўйламоққа,
Сархуш бўлганича қанча ичмоққа,

Агар мен куш бўлсам,
Денгиз устидан учиб ўтаман,
Ўзимга бир гўзал соҳил топаман,
Юзини нафасдан нафасга бурган,
У ерда абадият оёғим остида!
Бу не диққатсизлик?! Лозимми шундай?!
Нигоҳ ташлай олмас, қасос-мўлжалдир,
Ҳар золим табассум эса-аввалги хато...

Ўримга кирмаган паришон сочлар...
Аёл қўлларига эҳтиёжи бор...
Бирдан ер ила кўк қайтар терсига...
Яп-янги сасларга, олтин суҳбатга,
Сўзга- вақт ўтсада янгидир яна!

Ғариб бир замон,
Ўрганиб охирги томчисига жон,
Ич-ичига йиқилмиш саргардон даврон,
Олганин ҳар нафас балки , бефойда
Охирги нафасдир-биласанки ёд...
Бир янги уринишдир,
Исканжа остида яшамоқ недир...
Қайда сўнга етиб бир узун мисра,
Билиб айтажаксан унга алвидо...

Гўё ҳабаринг йўқ, ёдингдан чиқиб,
Уни тасодифан йўқотиб, ёки
Унутибсан нуҳта қўймоқни сўнгда...

Ника

Бу ҳам менинг шаҳарим-хаёллар забт этганим,
Ўзимни тугатганим...

Биров ҳеч ҳам кўрмади, қанча эшик ёпганим,
Қанча кирдим ўтоққа,
Узаниброқ ётоққа,
Қучоқладим болишни...
Кўп азобли...

Минг афсус... бу шаҳарда биров сўзга ишонмас,
Ўлим ўпса юзимдан... бир кимса менга ёнмас...

Қичкираман девор бор, кимса мени эшитмас,
Танҳолик чиқиб кетмас!

Юламан юз-кўзимни-мен ўзим қўлларимла,
Тирикман- умр битмас...

Кимсанинг йўқ хабари, кимса бўйланиб боқмас,
Нечун анламайди у, у ҳам бир кун ўлажак...

Қоғоз курбонгоҳ узра, бир шоир куйлаяпти/
Сўнг нағмани теак-танҳо!...

Ҳабаринг йўқ, хой золим, сенсан менинг Сахарим!
Энг катта бахтлигим ва буюк изтиробим!

Марина Цветаевага бағишланади

Денгизнинг ичидан асир кўхна ғам,
Абадийлик нағмасин куйляпман мен.
Фарқли доирада айлангунча вақт,
Қайда эди қирмизи, қайда эди оқ?!

Энди шоҳларинг ҳам йўқ шоҳ девори,
Ўғри қони учун- ўғри томири.
Ёруғлик ғам истайди, ўликка, ёки
Маҳлуқ шайтон учун ўқийди дуо...

Кўйлакнинг ичидан баданим кўчиб,
Қўркув чўнтагимда ичиб умидни.
Мўжиза истайди мовий рўмолчам,
Елкамга солмайман бир у шалини.*

Мен сени қайтараман, иситаман,
Бир неча сўз керак, ё оҳ-қичқирик.
Бир ўлик зарифлик, ваҳший юракдан
Йиртувчи сас билан мени чақирар,
Боқиб кумуш ранг оёқ изига.

Отиб туфлигимни, очиб рўмолим,
Битта култум учун қочдим ёнингга,
Денгизим ичидан эсар кўхна ғам,
Қайда тўлқин, тунда чақиради:-Марина!

*Шали-рўмол маъносида

Ер билан кўк бирлашиб тирноқлар пастда,
Қуёш бир муҳрдир кўкда сап-сарик.
Сарсари шамолга ўргатар айғир,
Қанча ўпмоқ лозим гул- дудоқларини...

Яна боса-боса қаттиқ тўпиғин,
Ёмон чириллайди белида эгар.
Учар иккиси ҳам ортга боқмоқдан,
Қанотлар остида бир тўлқин қадар.

Қолар оёқ остида кечирилганлар,
Тўкилар йўлларга кечаги кунлар.
Қўноқ айлағайсан янги кунларни,
Гоҳ ўнгга, гоҳ чапга, гоҳ олдга етар...

Қанча паришондир ёли, гажаги
Туки орасидан оқар иссиқ тер.
Қора қарға каби бир ваҳшийни ҳам
Ўргатиб ром этар қай вақтлардан қўл.

Кўр, қанча музлабди кичик юраги,
Ваҳший қаҳқаҳаси-бир ваҳший фарёд.
Энди ўзи тортар ўз юганини ,
Энди дудоқлари бир туғма жаллод.

Ерла кўк бирлашиб тирноқ пастда,
Қуёш бир муҳрдир кўкда сап-сарик.
Сарсари шамолга ўргатар айғир,
Қанча ўпмоқ лозим гул дудоқларни...

Дугонам Елена Луруега.

Бир қоронғу шаҳарда, бир қоронғу кечада,
На сингилман мен сенга, на да қизингман сенинг.
Фақат бир ажнабийман, бир ғариб муждачиман,
Дуо ўқийман фақат, аммо ҳаж ўғирмайман.

Яшаяпман кутида, ўтиб остонасидан,
Сенга эртак айтаман, майли энди Қорқиздан:

Мен сенга бир нафасман-кўқдан нафас оламан,
Булбул каби дардлари тугун бўлиб сийнамда.
Бутун олам йўқ бўлиб, юрагингла кўр энди,
Мароқлими куйламоқ кўл ҳам оғизла яна.

Эски сатр битганда янги сатр бошланар,
Бир кичкина ҳарфда азоб чеккан сўзга бок!
Йўлда кўп йил йўқотиб, не қадар йўқотажак,
Иккимизнинг бахтига тушганда кўпаяжак...

Мен бир сиёҳдонман-киприкларинг остида,
Узан-тушингга киргум-қоламанда ёдингда.

Баланд учасан дея, сенга қўш қанот бергум,
Кўпдан истаган эдинг, дудокларни ўп кўргум.

Яхши ёддошинг бўлса, ёруғликкадир зина,
У сайёҳ, мусофирни ҳеч йўқ хотирла энди...

Бразилия
Рио-де-Жанеро

1.
Бу телбалик орқасида-аламлар!
Бу телбалик орқасида-эхтирос!

Кез энига, узунига дунёни
Ё сархуш бўл, ё ошиқ бўл, сен бироз...

Боқма ўлка сир ичида яшириниб,
Фарёд қилар борликлар-ла фақирлар.

Девор безакли, поллар чирикмиш,
Томир- зариф, дабдабали столлар.

Тропик мевалар, ёнида шароб,
Тўнғизларнинг яланғоч оёғига боқ!

Зиёфатдан олдин бир бўш стакан,
Қон-тер томчилайди оч яралардан.

Боқиб телбаликка сукутда Аллах,
Қўллар узалмишдир-сийнасида ох...

Бу ҳам чарчавадо рақси! Сусиб пайғамбар...
Кеча димлигида-ичда изтироб...

Бу сирли ўлканинг устида кеча
Тошга дўнган юрак тўйинар қанча ?

Гуноҳ сенга қолар бўлса сен кечир,
Ҳаммани... йўлга сол, ҳамда қаршила.

Юз-юз тош йилларнинг содиқлиги кўп,
Сирини кимсага сўзламоқ ҳам йўқ...

Ёғсин бутун сахар оёғинг остига,
Қайиқ устидаги сирли булут ҳам.

Бу муқаддас пайга кимса шод эмас,
Сен ҳам бир кексасан буни яхши бил.

Бу ҳам чарчавадо испан рақси! Сусиб пағамбар...
Кеча димлигида-ичда изтироб...

Бу сирли ўлканинг устида кеча,
Тошга дўнмиш юрак тўйинар қанча?

2.

Ютум-ютум хўшлаб ич,
Қўй бўшасин стакан.
Мисра-мисрага чатсин,
Фақат нуҳталар ортсин...
Барча нима... нималар...

Кеча-оҳли, кўк-бархат,
Қаттиқ ётоқ тузатиб.
Нонни берсанг ахмоққа,
Ташқарига беркитар.

Бу чўп, бу ҳам стакан,
Бу яра, бу нафасдир.

Би хунук, бадбашара!
Фақирларнинг қисмати
Чўқар қонли қадаҳда.
Ёлғиз сувларда эмас...

Йўллар етиб сўнгига,
Умр дазмоли кетар.
Фақирга қизиғи йўк,
Сўнг қадаҳ қайда битар...

Мисралар қолди шикаст,
Бу чўп, бу ҳам стакан.
Бу ҳам охирги қултум,
Қўй бошига нуқтани...

3.

Кўз ёши бир томчи шаффоф қон каби,
На кучи бор, ва на унда ихтиёр.
Унинг ичидаги қирмизи бадан,
Ё ювилар, ёки ёниб кул бўлар.

Унинг ичидадир ўлик фикрлар,
Ёддаши ўликдир, маноси синиқ.
Унутиб ўзини, сўниб умиди,
Эски кўйлак каби чирик-чирикдир.

Кўз ёши қирмизи қуёшдан тушиб,
Нурлари ўзганинг зари кабидир.
Сасини-лол- кардан олибди, йўқса,
Танҳолик ҳидидир уйи ҳам энди.
Йилларнинг, онларнинг бўш хонумони,
Охир ёноқлардан, кўрмайман-қани?

Кўз ёши-денгиздир... эҳ, тасодифан
Ботиб бир ўзганинг ясси кафтида.
На бир нафас чекар, ёпишиб қолар,
Ҳамда сўнги бора қадр алвидо.

Тўғридир-йиғилиб бир узун токча,
Балки маъноси йўқ бирор марта ҳам...
Ўзига сақламас фақат не бўлса...
Кўз ёши бир томчи, шаффоф тузли қон,
Кўринмас кимсанинг рангсизлигидан.

Кўз ёши...
Йиғлаб битирибман мен...

Сирпанчиқ толейингни
Тутиб терли кафтингда,
Яхши, бир озча яна...
Яхши бир озча яна...
Одим-одим... чиқасан...

Субҳгача фонарларни
Сариқ сархушлигидан,
Туғма тупрокдан, уйдан,
Эшикнинг бўшлигидан.

Умидсизлик ичида
Шивирла пайғамбарим.
Кимнингдир қўлларидан
Танҳо холда кетаман.

Томчидан-уммонгача,
идишдан-денгизгача,
Бўёқ ила бўянмиш
Ёмонликдан... ва ғамдан,

Энг охирги умиддан,
Қалин кийимингача,
Ҳамма... ҳамма ўзингдан
Бир кун чиқиб кетарсан,
Юз тутиб тўрт тарафга...

Неварам Дилбар хоним Ҳасан-зодага.

Қўлларинг-паноҳ жойи,
Қўлларинг-яратувчи.
Бир исёнкор юракка.
Қўлларинг-қуйлайди бок!
Ўттизинчи асрдан
Бир гуноҳкор малакка.

Сенинг қўлларинг-шафақ,
Сенинг қўлларинг-булоқ,
Бўлмас истак ила тўймоқ.
Жонсиз кундалигимга
Қочиб кетмоқ учундир
Аёллар кабутардир.
Қўлларинг- соҳилда кум,
Денгизга ўгрилармиш.
Суратини яратган,
"Қўлларинг-менга дарсдир,
ҳаракатлар, соатлар
Ҳали қўллар тегмаган.

Илк бўлмаган нафасдир,
Кўк жазо бериб унга.
Сенинг қўлларинг-Аллоҳ
Чўзилиб ҳаж сувига...

Болалик тушиб инжиқ,
неваранг-Дуймежик.
Бир кимса тасодифан
Фикрлашиб яширин

Умринг сатрларини
Ўқисин қўлларингдан...

Ватан билан суҳбатлар

1.

Риёкорлик-осилганди чормихга!
Риёкорлик-инсонликнинг лаънати!

Ватан гумбази остида
Ўлик туғилганларнинг
Соҳта яшаш санъати.
Риёкорлик қонсиздир,
Риёкорлик жонсиздир,
Бадансиздир, руҳсиздир,
Минг афсус!

Пайғамбарга айтилган
Дудоқ ости ёлғондир..
Фонийларга жилмаяр...

Унда юзсизлик шоҳдир,
Риёкорлик-чиркиндир...
Буткул унутилажак,
Бир кун бу алам... фақат...

Бўшлиққа тош отмоқдир,
Жаҳаннамда оёқдир,
Риёкорликка ботиб,
Оҳ чекади Тангрилар...

2.

Гумон шундай ким? Нечун?
Кимга? Нега? Бас қани?

Кўнгилли жаллод бўлиб
Чоп қиличла виждонни.

Не гўзал лутфдир бундай:
Ишон-тон-кўзни алдат.
Муқаддас куни басдир
Занг ўқлари остида...

Ур мушт билан...

Қанча вожибмиш замон,
Ҳозир онтлар қоғоздан.
Малайлар бўлиб оға...
Ичайлик Қардошликка!

Шундай сўз бор на кўҳнаю на янги,
Юрагида тирноқ бўйда қора қон...
Чизиқ-чизиқ бўлиб севги сўзи ҳам.
Пиёда кез,иссиқ учун қай томон...
Тўппонча ила дуэлларда кез,айлан,
Каторгада ва сургунда сол ёдга,
Иссиқ бўсаларни музлатиб сақла...

Олгани бергани нафас ўзники,
Узаниб тепкилайди оёғи ила.
Қўл-қўлга мухтождир, юзлар ҳам юзга...
Ҳалқум бўйин пасти эди дейдилар.
Емоқ учун ичмоқ учун кимса ҳам,
Ошиқ бўлмоқ учун шошади ҳамма.
Ур мушт билан...
Муштлар сиқилмиш,эшик темирдан,
Танбал учун хушдир лаззатга қочмоқ.
Эшик темирдан эди, мушкулдир очмоқ...

3.

Мен сени оғриқсиз севмоқ истайман,
Шоир каби-осон,сўзимла-терла.
Остида қонимла отаман имзо,
Само билан орамизда бўлган бир ерга.

Бутун хотирамдан ўғирланмамиш,
Бадхулқ яшовчилар-ёт бўлган ҳам да.
Тўйинмоқдан шундай толиқиб сийнам,
Ота-бобларнинг қабри устида.

Қайси изда қолди қайғусиз кунлар,
На дуо, на лаънат эшитар улар.
Кимнинг кўзларила кўринар бизга
Чормих соясида акс этилганлар...

Кечиргин, азизим, нимабажарсанг,
Мен ҳам кечирдим, азизим не бор.
Узан,уялтирган, ҳасад қилганни...
Нимани севсам ҳам, этаман инкор.

Тепадан тирноққача сеники бўлсин,
Нелар яшаяпман, тутиб, тўхтадим.
Йўллар, остоналар, уйлар, деворлар...
Кўккача... неучун мен изландим.

Хонимлар, жаноблар қанча безовта,
Кўрарсан нақадар тупроқ узоқда.
Чўкиб тиззага уйқудан олдин
Дуо ўқияпман... бир тор ётоқда.

Қанча бажараман, сўнг нафасгача...
Эшит ич-ичимдан сени севаман.

Менга ярашарми сенга ёт бўлмоқ,
Яхшими, ё ёмон-ҳали билмайман...

Севмоқ истаяпман роҳат,қайғусиз.
Замонла, қонунла, будир яқиним.
Севмоқ истаяпман, кўрдим озодсан,
Эйкўзлари намли, Ватаним меним!

4.

Ҳақиқатга боқдилар, кўзларини қисиброқ,
Сени танловдан олдин бир синдириб тўқдилар,
Бурканиб бир ўлканинг ипак, шолрўмолига,
Мозорлари устида олтин мақбара қурдилар.

Ўзларига кўп роҳат,
Ёстиқлари пар,ипак.
Сени ичдилар демак,
Сени едилар демак,
Сенла фаҳр этмоқдан...

Кўнғиркўзлим сокинсан, баданингда яралар,
Қон- томир ярасидан тупроқ чизик-чизикдир.
Мен ёшликка йиғладим, инондим-тузалажак,
Ошиқ бўлиб тўзажак, тикланажак бир замон.

Ҳар қарға ўз бошингга мисдан тож қўйиб ҳали,
Сенга ёмонлик қилиб, сўнгра чекарлар нола:

Текисликлар хўп кенглик,
Унда юксакдир тоғлар.
Кавказнинг орқасида
Саҳоват ва севги бор.

Кўролмасликдан совиб, елкасин букиб турар,
Хаёли кўкси остида ёддошини синдирар.
Ҳайрҳоҳ бир юракка кечмиш азиздир яна,
Қайдаки содиқ уйлар инонар соҳибига.
Қайда шимол шамоли ўпиб қумни, куйлайди,
Қаерда ол шаробларни энди денгиз искайди.
Сен қайда, улар қайда? Қайда юзлар очикдир,
Қўрқувсиз ошиқ бўлмоқ, кул бўлмоқ, таслим бўлмоқ!
Қайданам? Сенинг учун-ҳаёт ва нағма-дедим!
Табассумла Аллоҳга йўлдан мактуб юбордим:

Денгиз чуқур,
Кўк узоқ,
Тупроқ-шаҳзода каби.
Аёл бир малак...

"Бегона булутлар остида" китобидан
2004-йил.

Тангри билан суҳбат

Сен-менга бир дунёсан,
Мен ҳали қоғоздаман.
Ким айтган, мўжиза йўқ?
Ғирт ёлғон!

Сўзлар мени алдатди,
Мисраинг булутидан
Яна сийнам нам чекди.
Энг гўзал нағма- сўзнинг,
Йилларнинг расми-узун...

Мен изладим...
Мен кутдим...
Мен шундай хохладим...
Фақат уни тиладим,
Сен нағма куйла бари...

Кечалар бошим узра
Учар турна қатори.
Менга нағма куйлайди-
Дафн этиб орасида
Мен ёзган мисраларим...

Ҳмм...
Юрагимла тўқиндим...
Мен кимларнинг томига...
Ҳмм...
Кумушла бўягайман
Ҳали тирноқларимни...
Ўзга қафаси аммо...

Бугун боқ шундай бу дам,
Битта бу кундан сўнгра
Безовта этмангиз сиз ...

Қўлларим, бармоқларим...
Бармоқларим сийнамда...
Сенга хотира учун
Кичик ҳаж бағишлайман.

Дудоғимла тўқиндим,
Яна бир тароватга,
У ҳам бир қонли нуқта...

Шифо топгум-бўянгум,
Япроқларнинг рангига,
Нафас учун таянгум...

Нидо остида савол,
У ҳам жимиб, бўлар лол...
Қолди битта саҳифа...
Ҳозир суйкалиб унга,
Киприк қоқиб астача...
Яна мудраб қоламан.
2000-йил

Ўзимла ёлғиз

Менга жуда яхшиди, яхшиди...ишон!
Ишонаман-ишонаман...
Балки ишонмасман, бунга кўп бўлди.
Балки унутганман, чиқиб ёдимдан.
Аллоҳга шукрки, йўқ юрак дардим
Шундай табассумдир, куним,соатим,
Уни ҳам тортиб бир лента отгум,
Қанчаки тутаганим олтин балиқдек,
Бурнимнинг учида гўдак боласи...

Яхшиям...тонг ҳамда кўк бўлсин шундай,
Алдайман ўзимни биринчи кун деб.
Севинч одатийла, нузли сел билан,
"Яхшиям, шоирим", сен мени кел деб...
2000-йил

Шундай истайман ўқисин ҳамма,
Кўзимга ё боқиб, ёки боқмасин.
Ўқиб қутқарди вақти бўлганлар,
Қоғоз дудоқларга- айб, тегинмасин.

Битта одимбоши куч имзо отмоқ,
Ёки ёш сийнада хочга тўқинмоқ.
Йигирма саккиз соат-асрларга тенг,
Ётмоққа қўймаслар уни кечалар.

Шундай истайман ўқисин ҳамма!
Ёндириб қалбида сўнмаган шамни.
Сиз мени олиб кетинг, босдиринг ерга..

Сукутга ботмасин нахорим, шамим...
2000 й.

На меникисан, на ё...
Йўқ, умид...
Қўлингни елла,
Унут...

Ва на ёки Мен-Сеникиман,
Тўхтамасман ёнингда.
Сузиб бир боқиш ила,
Йўқ бўламан бир онда.

Сочини сийпалаб,
қўлларига тегингум,
бурнидан, яноғидан
бир ўпмокқа шошилгум.
Сен иш билмас-мен ҳам шу,
Боқай ва тир-тир эсай...
Энди кимни севасан?
Ёки чиқиб кетасан?
1999-йил

Бир қоронғу оқшом-у иссиқ кўллар,
Қайдан чизар менга ўзга расмлар.
Шундай ҳайрон бўлдим, шундай соғиндим,
Нурсиз, умидсиздир бирдай нигоҳлар.

Бир қоронғу оқшом-маъсум боқишлар,
Нағмалар куйлаб, чўқар тиззага.
Аёл юрагини шундай эркалаб,
Телба одам каби бўларлар хаста.

Бир қоронғу оқшом- кафтимда қалбим,
Ҳозирдир, бир мажҳул қисматга қочсин.
Тонг ёришганда хотирамизни
Тупрокқа босдирар балки бир босқин.

Бир қоронғу оқшом-кафтимда Қалбим,
Кўллар шундай иссиқ, боқишлар-маъсум.
Қочиб орқасидан етмассан ҳеч вақт,
Тарк этса дугонанг бир тонгда сени...
2001-йил

Мен сенинг эмасман, азизим ҳеч вақт!
Ё сенми меники, азизим йўқ, йўқ!

На иссиқ бўсаларим қолибди сенда,
Мендамас- у содиқ елкаларинг ҳам.
Ғариб қўлларга сари узандим,
Ўзга қўллари эмиш-у қўллар дема.

Қўнғир сочларингга тўқингум сенинг,
Қалбим шона-шона умидсизман кўп...
Мен сеники эмас, азизим, ҳеч вақт,
Ёки сен меники, азизим, йўқ, йўқ!

У ёнга, бу ёнга қочаман ҳали,
Соат миллиридан осилмишсан сен.
Онг ичиб сўнарда тавба этаман
Бархит ёқаликни сақлагайман мен.

Топмадим, топмадим... кимнинг гуноҳи?
Кимнинг гуноҳидир-сўйла сўнг бора.
Ўролмадилар бизни бир умр,
Мен бир тарафман, сен бир тарафда,
1996-йил

Севги-
На имо-ишора, на пичирлаш, на истак,
Севги-
Кучлининг, заифнинг эътирофидир демак:

На Тангрига, на хаёлга, на қонунга,
Ичдан келган қичқирикдир!
Севги-
Сўл сийнангда бир жаннатнинг нури бор,
Эътирофла тўлғонади томирлар.

Севги-
Ҳайфинг келмас оёғига, тиззига
Уялмоқлик чикқан эмишки бирдан,
Жонинг-қонинг иборатдир бир сасдан...

Юксаклик ҳам, қанотлар ҳам абадий,
Кўксинг ости муқаддаслик маъбуди.

Севги-
Юрагингда оққан қонга қоришиб,
Тўлқин-тўлқин бир ўқ каби ёйилар,
Сочингдан, то тирноғингнинг учига...
Елканг узра йўқотарсан бошингни...

Гоҳ хурпаяр, гоҳда очар эгнини,
Бир муҳрла яралайди елкасин.

Севги-
Рухнинг ҳар амрига тобедир бадан,
Ўзига қайтмоқ истайди нечун?

Эсан дудоқларнинг шивирлашидир,
Титроқ киприкларнинг шитирлашидир.
Шундай мағлуб бўлиб ишққа биладан...
Бир кўзида севинч, бир кўзида ғам...

Севги-
Ичимга чекаман само намини,
Ўзимни осаман бир бўз булутдан.
Сўнгра ўз изимда адашиб қолиб,
Юз йилни бир онга этаман қурбон.

Мозаика тузаман ўзимга, ўзим,
Бир аёл, бир денгиз атрин берувчи.
Минг йил кутаяпман бир нафас учун,
Бир умр тикаман беш ҳарфдан-Севги!
1999 йил

Алла
Мен қор одамман- сен?
Азизим, севгилим- сен?

Бўшлиқдан ёздим яна,
Шундай -сенга...

Азоб чекдим-толиқдим,
Сени жуда соғиндим.
Кунга ет, йиллардан ўт,
Охиригача ич...

Тушимда сўзлайман-сен?
Биттасин севаман-сен?

Янги йил куни тонгда,
Сенга келаман, валлоҳ!

Сумкамни олдим, кетаман-сен?
Оламга ёлғон дедим-сен?

Йўлга из солгум-янги,
Ўрганиб бир нағмани.

Кўпдан жимман, ёлғиз-тек,
Қўшиқ айтгум -кўришсак.
Ўзим ҳақда ҳақиқат.

Алла, болам,
Аллаё..
Гўдак болам,
Аллаё.

Мен бир маҳзун қор одам,
Ёринг эмасман тамом...
Бўшлиқдан келар бир сас,
Бўлмайдими-ҳамон кес...
2000-йил

Агар елга айлансам,
Ортга қайтмасман не ғам.

Кўзларимда туман бор,
Йўқотаман ақлимни
Олган яраларимдан.

Кимнингдир нафасига
Дуч келса агар сийнам,
нафас оламан-не ғам.

Ҳар чандикнинг остида
Бир сариқ сим-оҳ-юрак.
Севган бир қиз, бир ўғлон
Яшайди унда демак...

Нон-хам, сув хам бор,
Емоққа.
Стул бор, бемалол
Ўтирмоққа.

Бир йилдир кутади эшик ортида,
Биров тўхтаганмиш мени кўрмоққа.

Нон-хам, сув хам бор,
Емоққа.
Гўшт хам бор,
Тишламоққа.

Ёт ерда- узоқдаман,
Ўлим тек, оёқдаман.

Исёнкор қўнғироқ нечун,
Мени қуварлар уйдан?

Бас нон, ҳамда сув?

Жилмайса, куёшла қандай дудоғи,
Ҳар нарса жойида, иссиқ ўтоғи.

Ҳали елка бор, бошин кўймоққа,
Ичмоққа суви бор, нон бор емоққа.

Агар юрагингни кулдираолсанг,
Бизни кўк юзида эшитар етган.

Ҳамма жилмаяди,
Сен ҳам жилмайгин.

1996-йил

Деразамга бўйланиб, эшитаман сўнг баҳор,
Менинг учун куйлайди, эшитмасман мен аммо.
Агар бир кимса сендан бугун мени сўраса,
Жавоб бергин сен унга энди чиқмасман томга.
Телефон дастасини очмасман тасодифан.
Менинг ҳавасим йўқдир ҳеч қуйига тушмоққа.
Айт, энди ўзганинг ис босмиш ўтоғидан
Асло шанба кунлари вақтим йўқ сирпанмоққа.

Ҳамманинг боши узра рақс тушади мушуклар,
Мен ҳам қўшилажакман уларнинг ялласига.
Қўй сокин тўхтасинлар, очиб оғизларини,
Билмайман не дейдилар итларнинг қўпи бунга.
1999-йил.

Юрак

Недир уриштирган, ҳам урган сени,

Қазиб ва яширар кўз ёшларини.

Либосин ортидан жон отар кўкка,

Ўпмоқ учун ўзга боқишларини.

Ҳар қонли томчиси бошингдан ошар,

Тўлдиарар бўш қолган тор ховузини.

Ўз кўксингда отар сенга қаҳқаҳа,

Бир золимдир у,-сен тани уни.

Юракни!

1995- йил

Оқ шеър
Қор ёпиб
Ҳар тараф бўлиб оқоппок,
Покиза юракда
Ёздим ёзув-оқ...
Булутлар ҳам кўкда битта оқ варок,
Мен оқ сатрман,
Узун киприк каби ҳали асирман.
Бир қор донасидир
Ҳар бир ишоранг,
Мен соф ҳаётда
Оқ расм чизаман.

Оппок рақс тушади кўчада бўрон,
Чиройли безаклари тўхтайдди маҳзун.
Мен ҳам силкитаман қанотларимни,
Оқ қуши каби.
Инган бундай қиш
Юрагимда оппоқ бир уя қурмиш.
Бир гўзал безакли хонимни оққа бўямиш.
У ҳам бўлиб оқ...
Истайсанми ўз расмимни чизиб бераман,
Сенга совға.
Оқопшоқ, оқопшоқ тоза бир вароқ...
Мен унинг устида қора сатрман,
Узун киприк каби
Ҳали асирман...

Хушми хотирламоқ?
Сатрма- сатр,
Қофиялар қанча сузар, рақс этар?
Ўғирламоқ-янги,
Сас-шовқинли онларнинг хотирасини?

Илҳом парисини намли изини,
Имзоладим, сўнгра артдим юзимдан.
Менга шундай келди охиригача
Бу қари қизга боғланиб баъзан,
Бирга куйлаяпман...йўқ, истамайман,
Ё шох бўламан, ёки бир масхарабоз,
Кулдираман, кулишда бўғаман халқни.
Бунинчун чиқмадим саҳнага ахир,
Чарчатмайман оғзимни уларга қийин...
Бозор шовқинидан қочиб хўб осон,
Кетаман шундайин бир ерга, ҳамон
Йигирма ҳафтадан бир озда ортик
Йўқдир унда мени симирган-еган.
1996-йил

Денгиз кўшиғи
Пичирлади кўк денгиз,
Деди чуқур фарёдим.
Мени кема ғарқ этган
Уйқулардан уйғондим.

Энди яланг оёғи
Қум узра ялтирайди.
Денгиз сояси балан,
Бекинмачоқ ўйнайди.

Тўлқин тузли кўз ёши,
Ачийди қайдан сийнам...
Унда сув парисини
Тўлқинлар ўпар не ғам.

Денгизнинг туби сассиз,
Хотираси узокдир.
Севгилингни хотирла,
Рухинг-қалбинг ярали.

Энди яланг оёғи
Қум узра ялтирайди.
Денгиз сояси билан
Бекинмачоқ ўйнайди.
1995-йил

Каспийга (Хазорга)

Менга бир ҳовуч мовий денгиз бер,

Бир кичик игнанинг охирида...

О. Менделштам

Сенсиз ёз ҳам қолиб кўр қанча ёлғиз,

Соврулиб нима бўлса яна оламга.

Тушиб шоирлар суронли изига

Мен ҳам ўз бошимга кетаман дема.

Менга шундай гўё, вақт тўхтагандай

Мени эшитарсан узоқ диёрда.

Шундай таъсирланиб ғуссадан сасим,

Сасим ҳамон сасдир-эшитасан қайда...

Тузли бармоқларни бир он ёдга ол,

Денгизнинг тубига қадар узанган.

Мен бир афсона эдим ўғлонлар учун,

Сенинг юрагингда ботганман кўпдан.

Бас бу кун...

Соғиниб бир ғариб соҳил туфайли,

Бир узоқ диёрда ботдим туманга.

Энди дарёларга пичирляпман,

Қочиб кетмоқ истаб денгиз шоҳига...

2000-йил

Йўлнинг шовқинидан чиқиб чеккага,
Олтинга айланиб сийнаси бундай.
Ўзимни у одамга ҳадя бергум,
Ким биландир уйқум келмайди бундай...

Қонли дудоғингдан, у кимдир кўркмас,
Зўрла кўпоражак яна бир ғамни.
Мендан учғунича учмоққа ҳайфи
Кўрасан дунёга келмайди кимнинг?

Кўзлари юмилган шундай иссиқда,
Осондир ўзганинг кафтига тушмоқ.
Мен билан охири ғалабагача,
Ким талаб этажак-уришмоқликни...

Титраб нафаси сўнг ҳасадгаса
Оёқлар остига тушади яна...
Сиз мени хочимни ҳадялар қилинг,
Ҳеч вақти чормихга тортилмаганга.
1996-йил

Бир номаълум тупрокда битган бир уруғ каби,
Маъно ва имидсизлик бўлар менинг озуқам.
Бўй отаман энг юксак бир тепанинг бошида,
Жасур нур бўлажакман...

Оқшом тахта сийнамга, соатлар-ла ургандек,
Вақтнинг узунлигида яшаб бир озда шундай .
Кимнингдир нафасида, балки шундай сасида,
Эмин эмасман ҳали.

Уйқули кўзларимла бир янги шогирд каби,
Бирдан ҳар нарса кўрган, бир кўзга жойлашаман.
Бировга кўринмасдан, шимол шамоли каби,
Денгиз сочларимни ҳам астагина ўраман...

Эсарман ёзда,
Намли кузақда,
мисралар маҳзун...

Бир нозик нурла
Кўриш-ғурурла,
Киприклар узун.

Денгиз тўлқини ила
Сизнинг қалбингизни
Этдим безовта...

Билинг, бўлмас менга
Бу коинотда
Бундай якун- ҳеч қачон.
1995-йил

Осмон билан орамизда
Замон сўнгсизликка етди.
Ўзга бошлар устида
Кимнинг бошлари битди..

Сийна ва қалб орасида
Юрак уриш қанча ботди.
Сизиб кичик бир эшикдан
Қўлларимга қадар етди.

Энди бир Сирдир -Қўлларим,
Туғилди-қисдинг ўзингга.
Бир кун тонг ҳам ёришганда
Аёл бўлдим мен ҳам сенга.
2000-йил

Қалин грим остида бир нозик тери,
Атир хидламоққа қанча жаҳд қилар.
Кимса келишига шод бўлмаганда
Орзу ҳам, истак ҳам қайдадир қолар.

Кўз ёши яшириниб ҳар табассумда,
Қайдан ўзгаларни тортар синовга.
Кўксимда сайр этар, хато дарбадар,
Узаниб етажак хўб сўнгсизликка.

Қайчини, найзани менга беринг сиз,
Бичайлик, тўғрайлик, ё ўткирлайлик
Ҳар нарса ўшадир, ҳар нарса кўхна,
Нима бўлса майли бир ўргатайлик...
1995-йил

Бу йил ҳам қоришди эски йилларга.
Аввал- охирини- совуриб елга...
Балки яхши эди мушукка дўнмоқ,
Бир оз сийпаланиб ва эркаланмоқ.

*

-Сенинг шохинг қайда?-сўрашди мендан.
-Жаннатинг қайдадир? -кўра олмайман.

*

Унга кўйлак тикмоқ истагим кўпдир,
Афсус, тикмоқ учун ишим ҳам йўқдир...

*

Сўқмоқ билан эмас, учиб тоққа мен,
Баъзан юрагимни тошларга ургум...
Бир тошнинг тагида узаниб бир кун,
Йўлга бўйланаман бир дарвеш учун!

*

Кун эрисин, сув ҳам чўксин,
Танбалликка ҳам алвидо!

*

На ўтмишдан ғийбат айла,
Гўзал кўшиқ изла хали.
Ўт тушса ён, айлан кулга...

*

Афсус ўтинларим ёшдир, не дейин,
Ёмғирнинг остида сўзим исланиб.
Кимса битта гугурт этса гар хадя,
Фаҳм этар, бошлайди мени севмоққа.

*

Дохийлик-содаликдир,
Сув томчиси бўламан,
Дарёларга тўламан!

"Қанотларла уфқ орқасида" китобидан
2000-йил

Қоқдим ўзга эшикни,
Топмадим...
Одаммиди, ҳайвонмиди?
Англадим...
Кимга нигоҳ, кимга тирноқ,
Оз ё кўп...
Мен ўзгани кечирдим,
Ёнимда тургани йўқ...

Ер ва само орасида
Ҳиёбон,
На ўнгдадир, на сўлдадир,
Бир тўхта...
Деразани тўфонга оч,
Қанотлан,
Бекилсин эски яралари
Ярангни...

Қоқдим бир эшикни, азизим яна,
Эшитиб, инонгум сенинг сасингга...

Сен мени кечиргил, бир кун эшикни очдим,
Қоришдим толейинга сас бермасдан, қоқмасдан .
Сени ўтга қаладим, ўзим совудим фақат,
Нени қидирсам агар, мушкулдир уни топмоқ...
Кечиргил, кўп ишондим, кечиргил уялмадим,
Кечиргил ибосиздек, сени ҳайрон айладим.
Мен сенинг юрагингда, ингандайман шундайин,
Ҳеч замон тузалмаган бир чандиқман абадий.
Кечиргил жилмайишим, кўз ёшимни кечиргил,
Кечиргил кўнгил очдим, истамадинг баногоҳ..
Сен кечиргил, азизим, тушдим хом хаёлларга,
Кўп афсус, бирор марта анламадинг мени... оҳ!
Ҳар не учун кечиргил, кечиргил не бўлсада,
Кечиргил тасодифан тушиб келдим изинга.
Кечиргил бир кун келиб эшигингни очгандим,
Энди келган изимга қайтиб кетгумдир яна...
1996-йил

Севгилимга

Бу кўз ёшларга... бу кўзларга...

Замонни, маконни чиқариб ёддан,

Янги йилларимни ўтган йилларга

Этаман қурбон...

1994-йил

"Серпантин силсиласидан"

Мен ҳам бир узукман йўлларда тушган,
Устимда йўлларнинг тузи-тупроғи.
Кимнингдир бармоғи асрай олмагай,
Шод бўлар кимнингдир номсиз бармоғи.

*

Бугун балки ўз эгнимдан
Ечарман мен либосимни.
Сирпаниб топсин янгидан,
Умид учқунлари мени

*

Топажакман ўзимга ишқ тўла иссиқ маскан,
Ёниб, кул бўлсам ҳам-мен буни бажараман!
1992 йил

Озарбойжон тилидан ўзбек тилига
Гулзира Шарипова ўгирди

Нигор Ҳасанзода

КУМУШ

На узбекском языке

Редактор *Ж.Кадыров*

Корректор *К. Аркабаев*

Компьютерная верстка *Р. Терибаева*

Формат 60x84¹/₁₆. Объем 7,25 п.л.

Тираж 500 экз.

Издательство "Улуу Тоолор"

г. Бишкек, ул. Ж. Абдрахманова, 170а